

ГИЁХВАНДЛИК ВОСИТАЛАРИНИ ЎТКАЗИШ МАҚСАДИДА СОДИР ЭТИЛГАН ЖИНОЯТЛАРНИНГ ИЖТИМОЙ ХАВФЛИЛИГИ

Шукурова Шахноза Муқумжонова

Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги Молия ва моддий-техника таъминоти департаменти катта инспектори катта лейтенант.

<https://doi.org/10.5281/zenodo.19856714>

Аннотация. Ушбу мақолада инсонларнинг соғлиги ва атроф муҳит муҳофазаси муҳим аҳамият касб этиши, Гиёҳвандлик воситалари ва психотроп моддаларни ўтказиш мақсадини кўзлаб қонунга хилоф равишда тайёрлаш, олиш, сақлаш ва бошқа ҳаракатлар қилиш, шунингдек уларни қонунга хилоф равишда ўтказишда юз бериши мумкин бўлган оқибатлар ва ушбу жиноятларнинг олди олинishi муҳимлиги ўз аксини топган.

Калим сўзлар: гиёҳвандлик, қонунчилик, жавобгарлик, нарколаборатория, вояга етмаганлар, генофонд, профилактика, Жиноят кодекси.

Аннотация. В данной статье рассматривается важность охраны здоровья человека и окружающей среды. Также освещаются вопросы, связанные с незаконным изготовлением, приобретением, хранением и другими действиями в целях сбыта наркотических средств и психотропных веществ, возможные последствия их незаконного оборота и значимость предотвращения данных преступлений.

Ключевые слова: наркомания, законодательство, ответственность, нарколаборатория, несовершеннолетние, генофонд, профилактика, Уголовный кодекс.

Abstract. This article examines the importance of protecting human health and the environment. Issues related to the illegal manufacture, acquisition, storage, and other actions for the purpose of trafficking in narcotic drugs and psychotropic substances, the possible consequences of their illegal turnover, and the importance of preventing these crimes are also highlighted.

Keywords: drug addiction, legislation, liability, drug laboratory, minors, gene pool, prevention, Criminal Code.

Гиёҳвандлик воситалари ва психотроп моддаларни ўтказишга оид жиноятларнинг ривожланиш тенденциялари ва жиноятчиликка қарши кураш бўйича кўрилатган чораларнинг орасида тафовут мавжудлиги ўз навбатида жиноятчилик ва унга боғлиқ омиллардан келиб чиқаётган таҳдидларнинг камаётганлиги ёки олдинги ҳолатида эканлигини ўрганишни мураккаблаштиради¹. БМТ гиёҳванд моддалар ва жиноятчилик бўйича бошқармаси (UNODC)нинг 2012 йилги ҳисоботида кўра 230 миллиондан ортиқ шахс ҳаёти давомида қонунга хилоф равишда тайёрланган, олинган гиёҳвандлик воситалари ва психотроп моддаларни истеъмол қилган². Шунингдек, манбаларда ҳозирги кунда дунё бўйлаб гиёҳвандлик воситаларини мунтазам истеъмол қилувчи инсонлар сони 27 миллиондан ортиқ эканлиги таъкидланади³. Гиёҳвандлик воситаларини ўтказиш мақсадида содир этилган жиноятларнинг ижтимоий хавфлилигининг яна бир омили бу гиёҳвандлик воситалари ва психотроп моддаларнинг ёшлар томонидан истеъмол

¹ John Rollins, Liana Sun. Wyler International Terrorism and Transnational Crime: Security Threats, U.S. Policy, and Considerations for Congress Congressional Research Service, 2010. – P. 4.

² UNODC World Drug Report, 2012. – P. 27. Интернет сайти: https://www.unodc.org/documents/data-and-analysis/WDR2012/WDR_2012_web_small.pdf.

³ Kashif J. Khan, E.Olcay. Cutting the link between drugs and terrorists: countering major terrorist financing means. - Monterey, California: Naval postgraduate School, 2013. – P. 65.

қилинишидир⁴. Сўнгги йилларда гиёвандлик воситаларини ўтказиш мақсадида содир этилаётган жиноятлар сони ортиб бораётганлигини кузатиш мумкин. Бу ҳолат ушбу жиноятларга қарши курашни янада кучайтиришни талаб қилади. Гиёвандлик воситалари ёки психотроп моддалар билан қонунга хилоф равишда муомала қилишдан иборат жиноятлар Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодекси 19-бобида кўзда тутилиб, 6 та моддадан иборат. “Гиёвандлик воситалари ёки психотроп моддаларни ўтказиш мақсадини кўзлаб қонунга хилоф равишда тайёрлаш, эгаллаш, сақлаш ва бошқа ҳаракатлар қилиш, шунингдек уларни қонунга хилоф равишда ўтказиш” жинояти ушбу бобда таъқиқланган жиноятлардан бири ҳисобланади. Гиёвандликка қарши курашда Жиноят кодексида таъқиқланган қилмишлар, айниқса ЖК 273-моддасида кўзда тутилган гиёвандлик воситаларини ўтказиш мақсадида содир этилган жиноятлар учун жавобгарлик белгиланган нормаларни тўғри қўллаш муҳим аҳамият касб этади. Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодекси 273-моддасида “Гиёвандлик воситалари ёки психотроп моддаларни ўтказиш мақсадини кўзлаб қонунга хилоф равишда тайёрлаш, эгаллаш, сақлаш ва бошқа ҳаракатлар қилиш, шунингдек уларни қонунга хилоф равишда ўтказиш” жинояти учун жавобгарлик белгиланган. Ушбу жиноят гиёвандлик билан боғлиқ жиноятлар ичида энг хавфли жиноят ҳисобланади ва шунга мувофиқ оғир жазо чоралари ҳам кўзда тутилган. Гиёвандлик воситаларини ўтказиш мақсадида содир қилинган жиноятларнинг ижтимоий хавфлилиги кундан-кунга ортиб бормоқда. Бу борада Президентимиз таъкидлаганларидек, “гиёвандлик воситалари савдоси катта бойлик орттириш имкониятига эга бўлиб, унинг иштирокчилари халқаро ҳуқуқ нормалари билан ҳам, миллий қонунлар мажмуи билан ҳам, айниқса, “оқ ажал”нинг ҳалокатли оқибатлари билан ҳам ҳисоблашмай, ҳамма ишни қилишга тайёрдирлар”⁵. Шу ўринда таъкидлаш жоизки, адабиётларда мамлакатимизда ёшлар орасида (20-39 ёш оралиғи) гиёвандлик воситаларини истеъмол қилиш ҳолатлари 2011 йилда 68,7 фоизни (2010 йилда 65,3 фоизни) ташкил қилиши эътироф этилади⁶. 2014 йил якуни бўйича Ўзбекистондаги наркологик вазият бўйича асосий кўрсаткичлар қуйидагича: соғлиқни сақлаш муассасаларида ҳисобда турган гиёванд беморлар сони – 14692 та, гиёвандлик воситаларини инъекция орқали қабул қиладиган беморлар сони – 5110 тани ташкил қилади⁷. Бундан ташқари, гиёвандликнинг ижтимоий хавфлилиги яна шунда намоён бўладики, гиёвандлик воситаларига қарамлик натижасида рўй берган инсон ҳуқуқ-атворидаги салбий ўзгаришлар туфайли, у криминоген омил бўлиб хизмат қилади.

Гиёвандлик ва жиноятчилик ўзаро алоқасининг ижтимоий-салбий хусусияти: гиёвандлик воситаларини тарқатиш билан боғлиқ жиний ҳаракатларнинг содир этилишида; гиёвандлар гиёвандлик воситаларини ёки уларни харид қилиш учун маблағларни эгаллаш мақсадида жиноятлар содир этилишида; гиёвандлик воситаларининг бевосита таъсирида (гиёвандлик воситалари билан мастлик ёки абстиненция ҳолатида) жиноятлар содир этилишида; гиёвандлар кўпинча жиноятлардан жабрланишида намоён бўлади. Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодекси 273-моддасида “Гиёвандлик

⁴ Margaret Pereira. Governing drug use among young people: Crime, harm and contemporary drug use practices. - Queensland, Australia: Queensland University of Technology, 2013. – P. 3.

⁵ М.Каримжонов Гиёвандлик воситаларини ўтказиш мақсадида содир этилган жиноятларнинг ижтимоий хавфлилиги <https://library.ziyounet.uz/uzc/book/96139>

⁶ Отажонов А.А. Гиёвандлик моддалари ва психотроп моддалар билан қонунга хилоф равишда муомалада қилишдан иборат жиноятлар: Ўқув қўлланма. – Т.: Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академияси, 2013. – Б. 4.

⁷ Интернет сайти: <http://www.ncdc.uz>.

воситалари ёки психотроп моддаларни ўтказиш мақсадини кўзлаб қонунга хилоф равишда тайёрлаш, эгаллаш, сақлаш ва бошқа ҳаракатлар қилиш, шунингдек уларни қонунга хилоф равишда ўтказиш” жинояти учун жавобгарлик белгиланган. Ушбу жиноят гиёҳвандлик билан боғлиқ жиноятлар ичида энг хавфли жиноят ҳисобланади ва шунга мувофиқ оғир жазо чоралари ҳам кўзда тутилган. Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексининг 273-моддасида кўрсатилган қилмишлар гиёҳвандлик воситалари ва психотроп моддалар муомаласининг қонун билан қатъий ўрнатилган тартибига тожовуз қилиб жамият учун жуда хатарли оқибатларни келтириб чиқаради. Жумладан, мамлакатда криминоген вазиятнинг издан чиқишига бундан ҳам ёмони аҳоли ўртасида гиёҳвандлик воситалари ва психотроп моддаларга ружу қўйишнинг ортишига, жамият генофондининг бузилишига олиб келади. Шу сабабли ҳам Ўзбекистон Республикаси Жиноят қонунчилиги юқоридаги моддаси орқали бундай қилмишлар учун жиддий чораларни назарда тутди. Илгари амалда бўлган жиноят кодексидан фарқли равишда амалдаги Жиноят кодекси жиноят таркиби тузилишининг қатор янги квалификацион белгиларини назарда тутиб бу орқали мамлакатда гиёҳвандлик муаммосининг олдини олиш ва унга қарши курашнинг ўзига хос жинойий ҳуқуқий таъсир чораларини ишлаб чиқади. Шунини алоҳида таъкидлаш керакки, гиёҳвандлик воситалари ёки психотроп моддалар билан қонунга хилоф равишда муомала қилиш билан боғлиқ ҳолда содир этиладиган жиноятларнинг асосий кўпчилик қисми Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексининг 273- моддасида кўрсатилган жиноятларга тўғри келади. Гиёҳвандлик воситаларини ўтказиш мақсадида содир қилинган жиноятларнинг ижтимоий хавфлилиги кундан-кунга ортиб бормоқда. Агарда XX асрда гиёҳвандлик воситалари ноқонуний савдоси билан асосан жинойий уюшмалар, йирик операциялар тарзида шуғулланишган бўлса, бугунги кунда аёллар ва вояга етмаганларнинг ушбу жиноятларни содир қилиш ҳоллари, гиёҳванд воситаларни сотишнинг турли йўллари, жумладан майда операциялар тарзида амалга ошириш ҳоллари кўпайиб бормоқда. Бу эса ўз навбатида криминоген вазиятнинг ёмонлашишига, судланган шахслар сонининг ошишига, гиёҳванд моддалар истеъмол қиладиган вояга етмаганларнинг кўпайишига олиб келмоқда. Республика судлари томонидан 2011 йилда гиёҳвандлик воситалари ноқонуний муомаласи билан боғлиқ 4472 та жиноят ишлари кўриб чиқилган ва натижада 5825 киши жинойий жавобгарликка тортилган⁸. Ушбу рақамлар гиёҳвандлик воситалари билан шуғулланувчи турли жинойий гуруҳларнинг халқаро алоқалари ошиб бораётганлигини кўрсатади ва унга қарши курашда халқаро ҳамкорлик масалаларига жиддий эътибор қаратишни тақозо этади. Гиёҳвандлик нафақат инсон саломатлигига, нислига соғлом турмуш тарзига зарарли, балки унинг ўта хавфли жиҳати террорчи тўдаларни уюштирадиган, маблағ билан таъминлайдиган, қуролантирадиган, ваҳшиёна жиноятларга сафарбар этадиган марказларни маблағ билан таъминлашидир. Айнан қурол-яроқ, жанг қилиш учун барча бошқа шароитлар билан таъминланиши халқаро терроризмни кейинги 10-15 йилларда жонланишига сабаб бўлди.

Бунда наркобизнеснинг таъсири катта. Бу ҳаракат билан ҳозирги пайтда нафақат айрим мамлакатлар, минтақалар, қитъаларга, балки умуминсониятга, жаҳон цивилизациясига қарши мудҳиш кучга ҳам айланиб бораётганлиги ҳеч кимга сир эмас. Бу борада юридик адабиётларда билдирилган фикр ва мулоҳазаларни умумлаштирган ҳолда гиёҳвандлик воситалари ёки психотроп моддаларни ўтказиш мақсадини кўзлаб қонунга

⁸ Отажонов А.А. Гиёҳвандлик моддалари ва психотроп моддалар билан қонунга хилоф равишда муомалада қилишдан иборат жиноятлар: Ўқув қўлланма. – Т.: Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академияси, 2013. – Б. 4.

хилоф равишда тайёрлаш, эгаллаш, сақлаш ва бошқа харакатлар қилиш, шунингдек уларни қонунга хилоф равишда ўтказиш жиноятнинг ижтимоий хавфлилик даражасини белгиловчи қуйидаги омилларни кўрсатишимиз мумкин: Биринчидан, ушбу жиноятнинг ижтимоий хавфлилик даражасини белгиловчи омиллардан бири бу – гиёҳвандлик воситаларини суистеъмол қилиш натижасида шахс жамиятдан ажралиб, инсоний қиёфасини йўқотади, унинг ҳаёти ва соғлиғига жиддий хавф туғилади, инсон бош миясига, иммун тизимига шикаст етказиши, инсон организмда жиддий патологик ўзгаришларни келтириб чиқаради, яъни бир сўз билан айтганда демократик ҳукуқий давлат ва эркин фуқаролик жамиятида энг олий қадрият ҳисобланган инсон манфаатларига жиддий зиён етади. Гиёҳвандлик воситалари бугунги кунда дунё миқёсда миллионлаб инсонларнинг умрига зомин бўлаётганлиги ҳам фикримизни тасдиқлайди.

Иккинчидан, ушбу жиноятнинг ижтимоий хавфлилик даражаси мазкур жиноят натижасида гиёҳвандлар томонидан турли-туман бошқа жиноятлар, хусусан, шахсга қарши, ўзгалар мулкига қарши, жамоат тартиби ва хавфсизлигига қарши жиноятлар содир қилинишига туртки бўлади, яъни бир сўз билан айтганда, ушбу жиноят бошқа ҳукуқбузарликлар учун шарт- шароит яратади ҳамда мамлакатда криминоген вазиятга салбий таъсир кўрсатади.

Учинчидан, гиёҳвандлик воситалари муомаласи жиноий уюшмалар фаолиятини рағбатлантириб, терроризмни молиявий таъминлашга ҳам хизмат қилади, шунингдек, жиноий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштириш билан чамбарчас боғлиқ бўладики, бу эса, ўз навбатида мамлакатдаги хавфсизлик, барқарорлик, тинчликка путур етказиши, давлат ҳуқуқни муҳофаза қилиш тизими ва ҳуқуқ-тартиботини издан чиқаришга сабаб бўлади.

Тўртинчидан, сўнгги йилларда аёллар ва вояга етмаганларнинг ушбу жиноятларни содир қилиш ҳоллари, гиёҳванд воситаларни сотишнинг турли йўллари тобора кўпайиб бормоқда. Бу эса ўз навбатида криминоген вазиятнинг ёмонлашишига, судланган шахслар сонининг ошишига, гиёҳванд моддалар истеъмол қиладиган вояга етмаганларнинг кўпайишига ва мамлакат келажаги бўлмиш ёш авлодга ўта салбий таъсир қилиб, жамиятнинг иқтисодий ва маънавий негизига путур етказиши.

Бешинчидан, ушбу жиноятлар тобора халқаро тус олиб бораётганлиги, гиёҳвандлик воситаларининг ноқонуний савдоси билан шуғулланадиган жиноий гуруҳлар фаолияти муайян давлат ҳудудидан чиқиб трансмиллий хусусият касб этиб бораётганлиги, уларнинг техник-молиявий имкониялари даражаси ошиб бораётганлиги, улар ўз жиноий фаолиятларида энг замонавий қурол ва воситалардан, электрон таъминот тизимидан, глобал ахборот тизимидан самарали ва кенг фойдаланаётганликлари ҳам унинг ижтимоий хавфлилик даражасини оширмоқда.

Хулоса қилиб айтиш мумкинки, ижтимоий салбий ҳодиса бўлган наркотизм жиноятчилик билан бевосита алоқадордир ва унга қарши кураш барча давлат органлари, айниқса ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари ва кенг жамоатчиликнинг ўзаро ҳамкорликда фаолият олиб боришларини талаб қилади.

Барча манфаатдор субъектларнинг эътибори биринчи навбатда вояга етмаганларнинг гиёҳвандликка чалинишига қарши қаратилган тизимнинг яратилишига қаратилиши зарур. Бундай тизимни яратиш учун, аввало аҳоли орасидаги гиёҳвандликнинг сабабларини ўрганиш ва таҳлил қилиш керак бўлади.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. John Rollins, Liana Sun. Wyler International Terrorism and Transnational Crime: Security Threats, U.S. Policy, and Considerations for Congress Congressional Research Service, 2010. – P. 4.
2. Kashif J. Khan, E.Olcay. Cutting the link between drugs and terrorists: countering major terrorist financing means. - Monterey, California: Naval postgraduate School, 2013. – P. 65.
3. Margaret Pereira. Governing drug use among young people: Crime, harm and contemporary drug use practices. - Queensland, Australia: Queensland University of Technology, 2013. – P. 3.
4. Отажонов А.А. Гиёхвандлик моддалари ва психотроп моддалар билан қонунга хилоф равишда муомалада қилишдан иборат жиноятлар: Ўқув қўлланма. – Т.: Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академияси, 2013. – Б. 4.
5. Интернет сайти: <http://www.ncdc.uz>.
6. Отажонов А.А. Гиёхвандлик моддалари ва психотроп моддалар билан қонунга хилоф равишда муомалада қилишдан иборат жиноятлар: Ўқув қўлланма. – Т.: Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академияси, 2013. – Б. 4.